

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ-СИЁСИЙ ЕТУКЛИК ОМИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8024260>

Рустам Бойматов

Қарши Дағлат университети ижтимоий ғанлар кафедрасы ұқиту�чиси.

Аннотация.

Муаллиф ушбу мақолададемократик жамият қуришда мұхым аҳамият касб этадиган шахс сиёсий маданиятининг шакланиши жараёни тұғрисида фикр юритган. Сиёсий маданият эса үз навбатида, шахс сиёсий етуклигини күрсату�чи мұхым мезон эканлиги атрофлича таҳлил қилинганды.

Таянч сұздар.

демократик жамият, сиёсий маданият, ҳоқимияттар бўлининиши, сиёсий ижтимоийлашуў, сиёсий фаолият, сиёсий етуклик.

Аннотация.

В данной статье автор рассматривает процесс формирование политической культуры личности, играющей важную роль в построении демократического общества. Политическая культура, в свою очередь, анализируется как важный критерий определения политической зрелости человека.

Ключевые слова.

демократическое общество, политическая культура, разделение властей, политическая социализация, политическая активность, политическая зрелость.

Annotation.

In this article, the author considers the process of formation of the political culture of the individual, which plays an important role in building a democratic society. Political culture, is analyzed in detail as an important criterion for determining a person's political maturity.

Key words.

democratic society, political culture, separation of powers, political socialization, political activity, political maturity.

Мамлакат фуқароларининг сиёсий жараёнларда фаоллик күрсатишилари, давлатни бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этишилари, ижтимоий-сиёсий воқеа-ходисларга, үзгариш ва янгиланишларга нисбатан үз нұқтаи-назарига эга бўлишлари ҳамда үз фикрларини эмин-эркин билдирига олишлари демократик жамият талаби. Демократик жамият қурини мақсад қилған ҳар қандай жамият ва унинг аъзолари ана шу талабга

жавоб беришлари керак. Юртимизда “Янги Ўзбекистон” пойдеворини барпо этиш, мамлақатимизни янги ривожланиш босқичига қўтариш стратегик вазифа сифатида белгиланган экан, бунда, аввало, жамият ҳар бир аъзосининг дунёқараши янгиланиши керак. Зоро, президентимиз таъкидлаганидек, “Янги, демократик жамият барпо этиш, келажак пойдевориини қуриш, хеч шубҳасиз, ҳар биримиздан қатъиятли ва омилкор бўлишни, янгича фикр юритиш, янгича ишлашни талаб этмоқда”[1:9].

Аввало, демократик жамият барпо этиш учун объектив шарт-шароитлар яратилиши, яъни ҳокимиятлар бўлиниши, сайловларнинг ҳақоний ўтиши, инсонпарвар қонунлар қабул қилиниши ва барча соҳаларда қонун устуворлигига эришиш, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўсқинликлар бўлмаслиги қанчалик муҳим аҳамият касб этсада, бу жараёнда субъектив омиллар, яъни фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, принципиаллиги, қатъияти, уларда сиёсий онг ва маданиятининг шаклланганлиги ҳам жуда муҳимдир. Бошқача айтганда, сиёсий жараёнларнинг фаол иштироқчиси бўлиши учун шахс сиёсий ижтимоийлашиши-сиёсий тасаввурлари, мўлжаллари ва установкаларининг шаклланиши, сиёсий фаолият кўникмасининг ҳосил бўлиши, пировардида, сиёсий маданиятининг юксалиши лозимдир.

Сиёсий маданият - кўрқиррали, мураккаб ҳодиса бўлиб, турли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан турлича алоқадорликка эга. Ҳар қандай жамиятнинг реал сиёсий ҳаётини билиш учун жамият аъзоларининг сиёсий маданиятини ўрганиш талаб этилади. Ана шундагина жамиятдаги ҳукмрон муайян системанинг, сиёсий режимнинг, ижтимоий гурухлар хатти-ҳаракатлари йўналиши динамикасининг манбай, характеристи ва ўзига ҳослигини англаб етиш мумкин. Одамлар сиёсий маданиятига монанд равишда ички ва ташқи сиёсий ҳодисаларини идрок этади, ташкилотлар фаолиятига, сиёсий система ва режимларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий йўлбошчиларга баҳо беради, жамият ҳаётининг сиёсий соҳасида ўз ўрнини аниқлай олади.

Шунингдек, сиёсий ислоҳотларнинг самарадорлиги, қабул қилинаётган сиёсий қарорларнинг англаб етилиши ва амалиётга жорий этилиши ҳам жамият аъзоларининг сиёсий маданиятига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқилган сиёсий йўналишни аҳоли қанчалик англаб қабул қиласи; унга ички ишонч билан қарайдими ёки мажбурият остидами; унда умид қилган нарсасини қўрадими ёки умуман бефарқ бўладими ва ҳаттоқи душманлик кўзи билан

қараб пассив ёки актив қаршилик кўрсатадими; буларнинг бари сиёсий маданият даражаси ва ҳолатига боғлиқ.

“Сиёсий маданият” термини XVIII асрда немис файласуфи Иоганн Гердер томонидан илмий муомалага киритилган. Аслида эса сиёсий маданият феномени Платонь, Аристотель Платон, Аристотель, Макиавелли, Монтескье, Маркс, Спенсер, Вебер ва бошқа мутафаккирлари асарларида ҳам таҳлил қилинган. Ҳозирги фалсафа ва маданиятшуносликда “сиёсий маданият” тушунчасининг моҳияти кенг ўрганилган бўлиб, унинг қирқдан ортиқ таърифи мавжуд.

Турли-туман қарашлар умумлашмасидан қуйидаги фикрлар келиб чиқади:

а). сиёсий маданият - сиёсий фаолият асосида ётувчи ва унга мазмун бағишловчи, ушбу сиёсий система иштирокчиларининг индивидуал қарашлари ва мўлжалларининг йиғиндиси бўлган субъектив соҳадир;

б). сиёсий маданият - бу ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро алоқага тааллуқли қарашлар йиғиндисидир;

в). сиёсий маданият - бу умуминсоний маданият кўринишларидан бири бўлиб, маданият ва сиёсатнинг диалектик бирлигини намоён қилувчи сиёсий муносабатларнинг барча субъектлари атрибутидир.

г). сиёсий маданият - бу сиёсий билимлар, қадриятлар, хатти-харакат моделлари йиғиндиси бўлиб, шулар воситасида субъект давлат билан ўзаро алоқани амалга оширади ва сиёсий фаолиятга киришади.

Кўриниб турибдики, шахс ва давлат муносабатларининг энг муҳим жиҳатлари сиёсий маданиятда ўз ифодасини топади. Шунингдек, сиёсий маданият назарияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар бир қатор муаммолар моҳиятига ойдинлик киритилишига ёрдам берди. Масалан, нима учун давлат ҳокимиятининг бир хил шаклдаги институтлари турли мамлакатларда турлича тарзда намоён бўлади, каби саволларга жавоб берилди. Бунда турлича қадриятлар, урф-одатлар, инсонлар менталитети ва бошқа жиҳатлар муҳим роль ўйнаши атрофлича тадқиқ қилинди. “Сиёсий маданият феноменида миллий менталитет, шаклланган стериотиплар, мифлар, биологик ва географик омиллар муҳим роль ўйнайди”[2:92].

Сиёсий маданиятнинг юксалишида сиёсий билимлар муҳим аҳамият касб этиб, шу орқали шахс ҳокимият ва сиёсат, давлат тузилиши ҳамда уни бошқаришда иштирок этишининг шакллари ва усулларидан воқиф бўлади. Сиёсий билимлар сиёсий фаолиятида қўлланилганда эса инсонда турли

фактларни солишириш, унга баҳо бериш, хулоса чиқаришмалакаси ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий билимлар ҳажми, сиёсий билимлардан фойдалана олиш малакаси, жамият сиёсий ҳаётига иштирок этиш эҳтиёжи, сиёсий ва фуқаролик мажбуриятларини англаши, жамият сиёсий институтлари, уларнинг иш принципларидан хабардорлиги кабилар шахснинг сиёсий маданиятининг шаклланганлиги даражасини кўрсатувчи мезонлардир.

Шахснинг сиёсат субъекти сифатидаги мохиятини унинг сиёсий ижтимоийлашув ва сиёсий маданиятига мос равишдаги сиёсий фаолияти ташкил этади. Сиёсий фаолият шахснинг жамият сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларидаги иштирокидир. Сиёсий фаолият шахснинг ўзини ҳар жихатдан намоён қилиш имкониятидир. Демократик жамиятдагина ўз истаклари, мақсадлари, манфаатларини эркин ифодалай олиши, ўз қобилиятларини тӯла рӯёбга чиқара олиши мумкин. Аммо ният холис бўлса, албатта. Зоро, бузгунчи мақсаддаги сиёсий хатти-харакатлар ҳамдоимо учраб туради.

Сиёсий фаоллик – шахснинг сиёсий ҳаётдаги мақсадга мувофиқ фаолиятидир. Шахс сиёсий фаоллигининг пировард мақсади инсон имкониятларини рӯёбга чиқариш ёрдамида унинг ижтимоий мавқеини, фаровонлигини янада яхшилаш, эркинликлари доирасини кенгайтириш, қадр-қимматини ошириш, жамиятни демократлаштиришдан иборат[3:52].

Жамиятда сиёсий фаоллик турли хил қўринишларда намоён бўлади. Маълумки, турли кишилар сиёсатга турлича даражада иштирок этишади: баъзилар фақат газета ўқиёди, айримлар сайловларда катнашади, бошқалар эса қизғин сиёсий фаолият олиб боради. Сиёсий фаоллик орқали фуқаролар сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатишга харакат қилишади. Айниқса шахс сиёсий фаоллиги мамлакат ижтимоий тараққиёти учун аҳамиятли бўлган хужжатлар муҳокамасида, жамоат ташкилотлари фаолиятида, турли даражадаги сайловлар жараёнида яққол намоён бўлади. Шу боис сиёсий фаоллик жамият тараққиёти даражасини ҳам кўрсатувчи мезондир. Жамият аъзолари сиёсий фаоллик кўрсатмас экан, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар ҳам кутилган натижаларни бермайди. Шу боис, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: Шу боис, “Биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган

фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини таъминлашимиз лозим”[4].

Шахс сиёсий фаоллиги ҳамда ушбу фаолиятнинг самарадорлиги унинг сиёсий етуклигига боғлиқ. Гоявий-сиёсий идеаллар, сиёсий эътиқод ва қарашлар, сиёсий принцип ва нормалар бирлашиб шахс сиёсий етуклигини вужудга келтиради. Шахс сиёсий етуклиги унинг жамиятга, ижтимоий тузумга бўлган онгли муносабатида ўз ифодасини топади. Шахснинг сиёсий етуклиги унинг ҳаётӣ позициясида, яъни унинг амалий фаолиятида, сўз билан иш бирлигиданамоён бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий маданият шахс сиёсий етуклигининг энг асосий мезонидир ва у сиёсий фаолият ва сиёсий онгнинг барқарор жиҳатларини ифодалайди. Сиёсий ислоҳотлар туфайли сўнги йилларда фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, юртимиизда ва жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеаларни эркин шархлайдиган, ўз фикрларини эркин ифодалайдиганлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бу эса уларнинг сиёсий маданиятининг юксалаётганлигидан далолат беради. Сиёсий жиҳатдан маданиятли бўлиш жамиятнинг онгли ва фаол фуқароси бўлиш демакдир. Бундай фуқаролар сони қанчалик кўп бўлса сиёсий ислоҳотлар самараси ҳам шунчалик юқори бўлиши, шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. 2021 й. 9-бет.
- 2.Л.Ф. Усикова. Политическая культура. ВЕСТНИКМГУ им. М.А. Шолохова. 2010 №1, стр 92.
3. Расулов Ҳ. Сиёсийфаоллик. Жамият ва бошқарув.- 2002.- №3.- 53 б.
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. “Халқ сўзи”, 2017 йил, 8 декабрь.